

Раъно Баҳромбековна ДЖУРАЕВА
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Замонавий ахборот коммуникация
технологиялари кафедраси
катта ўқитувчиси
dzhuraeva.rano@mail.ru

МАХСУС ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТЛАР АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШ

ПОВЫШЕНИЕ КАЧЕСТВА ОБУЧЕНИЯ НА ОСНОВЕ СПЕЦИАЛЬНОГО ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ

IMPROVING THE QUALITY OF LEARNING ON THE BASIS OF SPECIAL SOFTWARE

Аннотация: Ушбу мақола ахборот технологияларининг (ИТ) ўрни, фан ва таълим соҳасида замонавий ахборот технологияларини жорий этиши, ривожлантириши ва ундан фойдаланиши муаммоларини ўрганишга бағишланган. Мақолада «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари» кафедраси фаолиятининг асосий йўналишлари берилган, хусусан кафедрада ишлаб чиқилган «Фаннинг электрон ўқув-услубий мажмуаси» нинг таркиби ва мазмунини муҳофаза қилинган. ЭУМКнинг асосий бўлимлари ва таркиби келтирилган.

Таянч иборалар: ахборот технологиялари (ИТ), тузилиши, ўқув-услубий мажмуаси, мижоз-сервер технологияси, тест.

Резюме: Данная статья посвящена роли информационных технологий (ИТ), исследованию проблем внедрения, развития и использования современных ИТ в науке и образовании. В статье приводятся основные направления работы кафедры «Информатики и информационной технологии» в частности обсуждается структура и содержание «Положение об электронном учебно-методическом комплексе дисциплины» разработанной на кафедре. Перечисляются основные разделы и состав ЭУМК.

Ключевые слова: информационная технология (ИТ), структура, учебно-методический комплекс, технология «клиент-сервер», тест.

Abstract: This article is devoted to the role of information technology (IT), the study of the problems

of implementation, development, and use of modern IT in science and education. The article provides the main directions of work of the Department of Informatics and Information Technology, in particular, discusses the structure and content of the "Regulations on the electronic educational and methodological complex of the discipline" developed at the department. The main sections and composition of the EUMK are listed.

Keywords: information technology (IT), structure, educational and methodical complex, client-server technology, test.

Асримиз глобаллашув ва ахборот асри деб юритилмоқда. Ҳар томонлама ривожланаётган жамият тараққиётини бугун ахборот технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Республикамизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислохотларни ўтказишда янги ахборот технологиялардан унумли фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга ошириш йўналишларидан бири-янги таълим технологияларини ўқув жараёнига киритишдан иборат. Таълимда информацион ҳамда, педогогик технологияларни қўллаганда, талабалар эшитиш, кўриш, кўрганлари асосида мустақил фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда дарсларни ташкил этиш учун маълум бир шарт-шароитлар ва техник воситалар мавжуд бўлиши лозим. Буларга ахборот ресурслари ва махсус дастурий таъминотлар киради [4:320].

Маълумки, ахборот ресурслари туркумига шахсий компьютерлар, проектор, мультимедиа воситалари, сканер, рақамли фотоаппарат, видео камера, принтер, электрон доска ва бошқа ресурсларни киритиш мумкин.

Махсус дастурий таъминотларга: таълим тизимида мультимедиа электрон ўқув мажмуа, маърузалар, вуртуал лаборатория ишлари, ҳар хил анимацион дастурлар ва яна бошқа ишларни бажариш керак бўладиган махсус дастурлардан фойдаланилади [2:22].

Замонавий ахборот коммуникация технологиялари кафедрасида ахборот технологияларини таълим жараёнига қўллашда қуйидаги тамойилларга амал қилинмоқда:

- Қўшимча электрон луғатлар, маълумотлар ва кутубхоналар яратиш, тармоқдан ахборотни излашни таъминловчи махсус дастурий таъминотлар ишлаб чиқилган;
- Талабаларнинг ўқув-услубий ишларини такомиллаштириш, интернетдан фойдаланиш,

ахборот технологиялари ва психологик соҳалар бўйича социологик сўровлар ўтказилмоқда;

- Фан-техника ва технологияларнинг сўнгги ютуқлари бўйича Интернет маълумотлардан фойдаланмоқда;

- Компьютер воситасида ўқитишда илғор педагогик технологиялар ва фаол методлар қўлланилмоқда;

- Баҳолашда талабаларнинг фаоллиги ва мустақил ишлаш қobiliятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги вақтда кафедрадаги фанларни ўқитишда турли дастурий воситалардан фойдаланилмоқда. Бу дастурий педагогик воситаларга мисол қилиб «Информатика ва ахборот технологиялари» фанидан яратилган электрон мажмуани олишимиз мумкин. Бу мультимедиа электрон ўқув мажмуа шахсга йўналтирилган, талабага қулай тарзда яратилган бўлиб, унинг таркибига маъруза матнларини, расмларни, турли анимацион кадрларни, товуш фрагментларини, амалий, лаборатория ва мустақил иш топшириқларини, шунингдек тестларни киритиш имконияти мавжуд [7:24]. Бу мажмуанинг авфзаллик томонлари университетнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб «Диншунослик» ва «Исломшунослик»ка оид махсус фанларига ҳам қобик дастур сифатида қўллай олиш имкониятининг мавжудлигидир. Мажмуани яратишда «клент-сервер» интернет-технологиясидан фойдаланилган бўлиб, барча турдаги маълумотлар HTML ва «клент-сервер» технологиясида ишлайдиган дастурлар орқали тасаввур этилади. Электрон мажмуа тармоқнинг серверига ўрнатилади. Клент қисми учун алоҳида дастур ўрнатилмайди. Клент қисмида эса ихтиёрий браузернинг (масалан: Internet Explorer, Nets Cape, Opera, Mozilla) мавжудлиги дастурнинг ишлаши учун етарли бўлади. Дастур ёрдамида дарслик яратишда мазмун, тестлар, расм, анимация файллари ёки улардан йиғилган катта қисмлар модуллар сифатида ташкил этилади. Ушбу модуллар система базасидан тармоқ орқали браузерлар ёрдамида тармоқдаги компьютерларга юкланади ва шу тариқа системанинг сервер қисми билан тескари алоқа ўрнатилади.

Электрон мажмуанинг имконияти етарли даражада кенг. Фойдаланувчилар мажмуа имкониятларидан фойдаланишга берилган рухсатга қараб, шартли равишда гуруҳларга бўлинади: администратор, ўқитувчи ва талаба (ёки тингловчи)лар.

Администратор бутун системанинг параметрларини янгилаш, дизайн, саҳифалар рангини ўзгартириб, янги кўриниш яратиш, янги блоклар ва ресурслар қўшиш ҳамда янги индивидуал курс яратиш имкониятларига эга.

Ўқитувчилар янги дарсни система рўйхатида киритиши, ҳар хил усулда янги тест топшириқларини яратиши, тест жавобларни ва топшириқларнинг талаба томонидан бажарилиши статистик маълумотларни журнал орқали кузатиб бориши мумкин [9:25].

Талабалар тизим ёрдамида ўқув фанининг, маъруза қисмидан матн кўринишидаги маълумотларни ўқиши, мавзуга тегишли анимацион намоишларни кўриши, қийин шаклдаги машқларни бажариш, турли қийматлар учун графикларни кузатиш, тестларга жавоб бериш ва олинган баҳоларни кўриши мумкин.

Буларнинг барчаси фойдаланувчилар учун интуитив тушунарли интерфейс орқали амалга оширилади. Системанинг модуллари PHP, HTML тилларида ёзилган бўлиб, дастурчи томонидан ўзгартирилиши ва янги функциялар қўшилиши ҳам мумкин.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мажмуанинг қуйидаги афзалликларини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

- ✓ Чекланмаган сондаги талабаларнинг бир вақтда дастур билан ишлай олиши;

- ✓ Дастур серверда жойлашганлиги сабабли ихтиёрий сондаги локал тармоққа уланган компьютерлар орқали ресурслардан фойдаланиш мумкинлиги;

- ✓ Назария ва амалиётнинг битта интерфейсга бирлашиши.

Талаба мавзунинг назария қисми билан танишгандан сўнг, амалий (интерфаол) машқларни бажариши, жараёнларни Flash анимацияларини кузатиши ва тестларга жавоб бериши мумкин. Ушбу имкониятларнинг битта дастурда мужассамлашиши ҳамда унга тармоқдаги ихтиёрий компьютердан кириш мумкинлиги ўқув жараёнини соддалаштира олиши.

- ✓ Талабалар рўйхатини ва умумий статистикани олиб борилиши.

Ҳар бир талаба учун алоҳида статистика файли яратилади (киритилган маълумотлар асосида тизимни ўзи яратади). Бу файлда талабанинг тестларини бажариши ҳақида тўла маълумот йиғиб боради. Ўқитувчи талаба ҳақидаги барча маълумотларни ихтиёрий компьютер орқали кўра олади. Натижада ҳар бир

талабани ёки гуруҳнинг ўқув материалларни ўзгартириш ҳақида хулоса чиқаради [10:48].

✓ Мажмуанинг масштабилиги қўллаш қулайлиги, мулоқатнинг соддалиги ва юқори даражадаги хавфсизлиги.

Мажмуанинг умумийлиги қатор муаммоларни ечимини беради. Ўқув муассасаси локал тармоқлардан талабаларнинг фойдаланиши мумкинлиги туфайли улар сервердаги дастур базаси ресурсларидан ихтиёрий пайтда (дарс пайтида, ҳамда дарсдан ташқари пайтда) фойдаланиш имкониятига эга. Шунингдек, тармоқнинг клент қисмига стандарт браузерлардан ташқари ҳеч қандай дастур ўрнатилмаслиги сабабли, тизимга уланишлар сони чегараланмайди. Мажмуага янги курсларни киритиш мураккаб эмас. Ундан ташқари дастурнинг серверда жойлашиши, унинг юқори даражадаги хавфсизлигини таъминлайди. Талабалар учун системанинг модуллари ва тестларини ўзгартиришга киришга рухсат берилмайди.

✓ Тизимнинг платформасига боғлиқ эмаслиги.

Тизимнинг сервер қисми Windows XP, 2000, Millenium да ишлайди. Клент қисми учун браузернинг мавжудлиги етарли бўлганлиги сабабли ихтиёрий операцион тизимда ишлай олади.

✓ Масофадан ўқитиш тизимининг мавжудлиги.

Мажмуадан нафақат локал тармоқ даражасида фойдаланиш, балки масофадан ўқитиш тизимида ҳам қўллаш имкони мавжуд. Масофадан туриб ўқитиш услуги асосида таълим олувчиларнинг ўзлари ахборотлар омборидан керакли бўлган маълумотларни излаб топиши ва ўз-ўзини назорат қилиши, ўқитувчи билан электрон тармоқлар орқали алоқа қилиш имкони мавжудлиги.

Бу эса ўз навбатида талабада ўзига бўлган ишончни оширади, унда компьютерда ишлаш жараёнида ўзини эркин тутиш имконияти туғилади, натижада ҳар-хил ҳис-ҳаяжонларга берилмайди, ўқитувчи ёрдамига камроқ эҳтиёж сезади, ўзини-ўзи тест саволлари орқали текшириб кўради, яъни ўзини-ўзи баҳолай олади, уни ҳеч ким ўқишга мажбурламайди, ўзи ихтиёрий равишда компьютерда ишлашга ўтади [5:551].

Ахборот коммуникация технологияларидан таълим жараёнида фойдаланилганда таълим-тарбия ишларининг самарадорлиги ошади, демак баркамол авлод ва етук мутахассиларни

тарбиялашда ахборот технологиялари муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Bakhrombekovna, D. R. N. (2020). Organization of computer monitoring in assessing student knowledge of a computer system. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(6), 532-538
2. Джураева Р.Б. Структура и содержание «положения об электронном учебно-методическом комплексе дисциплины» // Материалы II Международной научно-практической конференции, Кокшетауский государственный университет им. Ш. Уалиханова на тему «Формирование профессиональной компетентности будущих специалистов в условиях кредитной технологии обучения: опыт, проблемы и перспективы», 22-24 апреля 2010 года. Кокшетау: КГУ, 2010. – С. 285-289.
3. Djuraeva, R. (2019). THE USE OF MULTIMEDIA ELECTRONIC EDUCATIONAL SYSTEMS IN THE EDUCATION SYSTEM. Актуальные научные исследования в современном мире, (9-4), 122-125
4. Dadamuxamedov, A., Turdali, J., & Mavlyuda, X. (2020). Electronic religious programs on islamic subjects on the example of the sanctuary of Al-Hakim Al-Termizi. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(7), 316-330.
5. Dadamuxamedov, A., Mavlyuda, X., & Turdali, J. (2020). Cloud technologies in islamic education institutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(8), 542-557.
6. Sabirovna, K. M., Bozorov, A., & Dadamuxamedov, A. (2020). MOBILE APPS IN UZBEKISTAN MAKE A SIGNIFICANT CONTRIBUTION TO THE DEVELOPMENT OF TOURISM. *International Engineering Journal For Research & Development*, 5(Special Issue), 13-13.
7. Лутфуллаев М.Х. Олий таълим ўқув жараёнини такомиллаштиришда ахборот технологияларини интеграциялаш назарияси ва амалиёти (Информатика ва табиий фанлар мисолида): Пед. фан. доктори.... дис.афтореф. – Тошкент: ТДПУ, 2006. – 27 б.
8. Mavlyuda, X., Rustam, K., Rano, D., Dadamuxamedov, A., & Alisher, M. (2019). Personality-Oriented Learning Technologies. *International Journal of Recent Technology and Engineering (IJRTE)* ISSN, 2277-3878.
9. Жумаев, Т. С., Мирзаев, Н. С., & Махкамов, А. С. (2015). Алгоритмы сегментации цветных изображений, основанные на выделение сильносвязанных элементов. *Исследования технических наук*, (4), 22-27
10. Xodjayeva, M. (2018). Using moodle system in teaching “information technology and process modeling” for islamic and religions studies students. *The light of islam*, 2018(4), 45-50